

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc27.06.2017.Psi.01.07 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

УРАЗБАЕВА ДИЛБАР АБДУЛЛАЕВНА

**ОНКОЛОГИК БЕМОР АЁЛЛАРНИНГ ШАХСИЙ ЭМОЦИОНАЛ
СОҲАСИГА ТАЪСИР ЭТИШНИНГ ПСИХОЛОГИК
МЕХАНИЗМЛАРИ**

**19.00.04 -Тиббий ва махсус психология
(психология фанлари)**

**Психология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент–2018

УДК: 151:616.006 (575.1)

**Психология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора философии (PhD) по психологическим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) on
Psychological Sciences**

Уразбаева Дилбар Абдуллаевна

Онкологик бемор аёлларнинг шахсий эмоционал соҳасига таъсир этишнинг
психологик механизмлари.....3

Уразбаева Дилбар Абдуллаевна

Психологические механизмы влияния на личностно-эмоциональную сферу
женщин с онкологическими заболеваниями.....21

Urazbayeva Dilbar Abdullayevna

Psychological mechanisms of influence on the individual emotional aspects of
oncological patients.....39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works43

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc27.06.2017.Psi.01.07 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

УРАЗБАЕВА ДИЛБАР АБДУЛЛАЕВНА

**ОНКОЛОГИК БЕМОР АЁЛЛАРНИНГ ШАХСИЙ ЭМОЦИОНАЛ
СОҲАСИГА ТАЪСИР ЭТИШНИНГ ПСИХОЛОГИК
МЕХАНИЗМЛАРИ**

**19.00.04 -Тиббий ва махсус психология
(психология фанлари)**

**Психология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент–2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.PhD/Psi.6 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат педагогика университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) веб-саҳифанинг ik-falsafa@nuu.uz ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Нишанова Замира Таскараевна**
психология фанлар доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Мухамедова Дилбар Гафурджановна**
психология фанлар доктори, доцент

Ходжаев Абдувахид Валиевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: **Тошкент тиббиёт академияси**

Диссертация химояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Psi.01.07. рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик Илмий кенгашнинг 2018 йил «__» _____ куни соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (99871) 227-12-24; факс: (99871) 246-53-21, (99871) 246-02-24; e-mail: nauka@nuu.uz Ўзбекистон Миллий университети Ижтимоий фанлар факультети 5-қават, 511-хона).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (__ рақам билан рўйхатга олинган.) (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. ЎзМУ Бош ўқув биноси, “В” қисми, 2-қават, 217-хона. Тел.: (99871) 246-52-74; факс: (99871) 246-02-24.

Диссертация автореферати 2018 йил «__» _____ да тарқатилди.
(2018 йил «__» _____ даги ____ рақамли реестр баённомаси.)

Ғ.Б.Шоумаров,
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, психол.ф.д., профессор

А.И.Расулов,
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, психол.ф.н., доцент

Н.С.Сафаев,
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, психол.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда онкологик касалликлар аниқланиши ва ўлим кўрсаткичи бўйича дунёда юрак-қон томир касалликларидан кейин иккинчи ўринда туради. Бутун жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти берган маълумотга кўра, онкологик касалликларнинг ўсиши охириги 10 йилда 15% га ўсган. БССТ маълумотида кўра, хавфли ўсма касалликлари билан 2000 йилда 10 миллион инсон касалланиб, 8 миллион атрофидаги ўлим кўрсаткичи бўлса, 2015 йилда касалланганлар сони 17,5 миллионга етган ва 13 миллион атрофида ўлим кўрсаткичи бўлган. Саратон билан касалланиш яқин 20 йил ичида 70% га ўсиши прогноз қилинмоқда¹. Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Канцер-регистр бўлими берган маълумотларига кўра, Ўзбекистонда онкологик касалликларга янги хасталанганлар сони 2010 йилдан 2016 йилгача 10,1 % га ўсган. Шулардан, сут беги саратони ташхиси бўйича 2010 йилда 2273 та, яъни 11,89 % ни, 2016 йилда 2932 нафар яъни 13,92% бирламчи ташхис қайд этилган, яъни ўсиш 28,9 % ни ташкил этган. Онкологиядан касалланиш 2010 йилда 7,9 ни, 2016 йилда 9,1 ни, вафот қилганлар сони 2010 йилда 1001 ни, 2016 йилда 1414 ни ташкил қилган, яъни сут беги саратони касаллигидан ўлим кўрсаткичи 41,3 % га ошган.

Онкологик касалликларда даво самарадорлиги пастлиги, касалликнинг кеч аниқланиши, мазкур касаллик билан оғриган беморларда ижтимоий ёрдамга муҳтожлик зарурати юқорилигини кўрсатади. Зеро, онкологик беморлар учун нафақат тиббий, балки психологик ёрдам ҳам долзарб аҳамиятга эга бўлиб, афсуски, бу соҳада ҳозирча маҳаллий, миллий-маданий, ижтимоий-маиший шароитларга мос илмий тадқиқот ишлари ва амалий ишланмалар етарли эмас. Бу ҳолат мазкур йўналишдаги илмий-тадқиқот ишларига, айниқса, бемор эмоционал соҳасига таъсир кўрсатиш имкониятларини ўрганишга қаратилган изланишларга бўлган заруратни белгилаб беради ва уларнинг долзарблигини асослайди.

Ушбу диссертация Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 7 февралдаги ПФ-4947 сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 4 апрелдаги ПҚ-2866 сонли “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида онкология хизматини янада ривожлантириш ва аҳолига онкологик ёрдам кўрсатишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 25 январда қабул қилинган ПҚ-3494-сонли “Шошилич тиббий ёрдам тизимини жадал такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 февралдаги ПФ-5325-сонли “Хотин-қизларни

¹ <http://worldofoncology.com/materialy/o-rake/statistika/>

қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида ҳамда мавзуга оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни ёритишда муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик давлатни ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш”, VI. “Тиббиёт ва фармакология” устувор йўналишлари доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Саратон ва психика боғлиқлиги ҳақидаги тадқиқотлар хориж олимларидан К. Ахтэ, Я. Гоулер, К.Плеттер, Э.Эванс, А.Шутценбергер, С.Вahnson, К.Саймонтон ва С.Саймонтон, Т.Morris, S.Greer, J.Holland, B.Bultz², шунингдек, рус олимларидан Д.А. Алиев, О.А. Соколова, Т.Марилова, Н.Кошуг, В.Чулкова, О.Ворона, А.Кузнецова, Н.Финогентова³ ва бошқалар томонидан ўрганилган.

Аёллар репродуктив аъзолари онкологик касалликлари бўйича ўзбек олимларидан С.Абдуганиева, С.Арсенбаева, Х.Исламова, Н.Нигманова, Р.Хамраев, З.Бекназаров, Н.Махмудова, С.Фазилова⁴ ва бошқалар тиббий

² Ахтэ К., Ваухконен М.Л., Виитмаки Р., Сонкин Л. Рак и психика: В 2-х частях / Пер. с англ. М., 1977. - 279 с., Гоулер Я. Вы можете победить рак. -М.: Салюс, 1997. - 122 с., Плеттер К.Р.Мышление лечит, мышление убивает. Пер.с англ. Корвачов Л.М.- М.: Медицина, 1979. -250 С., Evans, Elida. A Psychological Study of Cancer . - New York: Dodd, Mead & Co, 1926, Шутценбергер А.А. Тяжело больной пациент (15-летний опыт применения психодрамы для лечения рака) // Вопросы психологии. Москва, 1990. -№5. – С. 94-105., Vahnson С.В. "Stress and cancer": Psychosomatics. - N.Y.: McGraw-Hill, 1980. - P 381., Саймонтон К.,Саймонтон С. Психотерапия рака. - СПб: Питер, 2001. – 288 с., Morris Т., Greer S.A. “Type C” for cancer? // Cancer Detection and Prevention.England, 1980. –№3. -P. 102, Holland J., Lewis S. The human side of cancer: Living with hope, coping with uncertainty. /Holland J., Lewis S. - New York: Harper Collins; 2000., Bultz B.D., Carlson L.E. Emotional distress: the sixth vital sign-future direction in cancer care // Psycho-oncology.- England, 2006. - № 15. - P.93-95.

³Алиев Д.А., Джафаров Р.Д. Медико-социальная реабилитация больных раком молочной железы. Баку, 1991, 101 с., Соколова О.А. Проблемы психологической реабилитации онкобольных.- Хабаровск: Наука, 1999. -116 с., Марилова Т.Ю. Особенности мотивационной сферы у онкологических больных (рак молочной железы): Автореф. дисс. ... канд. психол. наук. М.: МГУ, 1984. - 20 с., Кошуг Н.Г. Влияние личностных особенностей и социального окружения на реабилитацию онкологических больных: Автореф. дис. ... канд. психол. наук. М.: МГУ, 1990. - 22 с, Чулкова В.А. Психологическое исследование личностных реакций на болезнь при раке молочной железы: Автореф. дис. ... канд. психол. наук. - Санкт-Петербург: ЛГУ, 1999. – 22 с., Ворона О.А. Психологические последствия стресса у больных раком молочной железы: Автореф. дис. ... канд. психол.наук.- М.: МГУ. 2005.-22 с, Кузнецова А.А. Эмоционально-аффективные расстройства в структуре внутренней картины болезни у женщин с онкологической патологией репродуктивных органов: Автореф. дисс. ... канд. психол.наук.– Архангелск : АГУ, 2009. -22 с., Финагентова Н.В. Психологические ресурсы в профилактике рецидивов при онкологических заболеваниях: Автореф. дис. ... канд. психол. наук. - Санкт-Петербург: ЛГУ, 2010. – 22 с.

⁴ Абдиганиева С.Р. Комплексная диагностика предопухолевых и опухолевых заболеваний шейки матки среди женщин экологически неблагоприятных регионов Приаралья: автореф. дис. ... канд. мед. наук. – Т.: РОИНЦ, 2005.-23 с., Арсенбаева М.С. Неoadвантная гипоксирадитерапия в комплексном лечении рака молочной железы (клиническое исследование): дисс. ... канд. психол. наук. Т.: РОИНЦ, 2007. -112 с., Исламова Х.Б. Клиническая оценка ультразвукового исследования и магнитно-резонансной томографии в диагностике опухолей матки и яичников: дис. ... канд. мед. наук.-Т.: Пер.Таш.Мед.Ин-т, 2002.-110 с., Нигманова Н.А. Роль биомаркеров в оценке клинического течения и прогноза рака молочной железы: дисс. ... канд. психол. наук. Т.: РОИНЦ, 2004. -113 с., Хамраев Р.Г. Злокачественные опухоли и предраковые состояния органов женской репродуктивной ситемы в зоне низкой онкологической заболеваемости: дисс. ... канд. психол. наук. Т.: инст. Онк. и радиол., 1995. - 112 с., Бекназаров З.П. Сут беи ўсмалари

жиҳатдан назарий ва амалий изланишларни олиб борганлар, лекин уларнинг ҳеч бирида касалликнинг психологик жиҳатларига эътибор берилмаган.

Мамлакатимиз психологларидан Ғ.Шоумаров, Э.Ғозиев, Б.Қодиров, В.Каримова, З.Нишонова, З.Ибодуллаев, Ш.Баратовлар саломатлик психологияси, психофизиология, психогигиена, тиббий психология, турли соҳаларда психологик хизмат масалалари бўйича, шунингдек, М.Карамян, Д.Ильхамовалар⁵ турли хил касалликларда беморлар психикасининг ўзгариш ҳолатларини тадқиқ қилганлар. Умумий равишда муаммонинг ўрганилиш таҳлили асосида Ўзбекистон шароитида онкологик беморларнинг психологик хусусиятлари алоҳида диссертацион тадқиқот предмети сифатида ўрганилмаганлигини эътироф қилиш мумкин. Ваҳоланки, барча касалликлар инсон руҳиятида ўзгаришларни келтириб чиқаришини таъкидлаган ҳолда, онкологик касалликларнинг ички психологик кўриниши ўзига хос бўлишини, яъни саратон касаллиги нафақат беморнинг физиологик ҳолати, балки психологик ҳолати билан ҳам бошқа касалликлардан фарқ қилиши, беморларда хавотирлик, кўрқув, депрессия, тушкунлик, ички безовталиқ кузатилишини қайд этиш зарур. Бу ҳолат ҳам мазкур тоифа беморларни психологик жиҳатдан алоҳида ўрганиш заруратини кўрсатади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Урганч давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг ИТД-1. ПЗ-20170928556 рақамли “Онкология соҳасида психологик хизматнинг аҳамияти” амалий лойиҳаси ва Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази илмий-тадқиқот ишлари режасининг ИТД-6. АДСС-15.9.2 рақамли “Репродуктив тизим ва ошқозон-ичак тракти саратонида даво технологиясини такомиллаштириш” (2015-2017 йй.) амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади онкологик бемор аёллар эмоционал соҳасига таъсир этишнинг психологик механизмларини ўрганиш орқали бу тоифа беморларга тиббий-психологик хизмат сифатини оширишдир.

Тадқиқотнинг вазифалари:

онкологик касалликларнинг ривожланиши, кечиши ва даволанишда

малигнизациясининг клиник-морфологик аспекти: дис. ... канд. мед. наук. – Т.: РОИНЦ, 2006.-103 с., Махмудова Н.Э. Клинико-иммунологические особенности рецидивов и метастазов рака молочной железы: дисс. ... канд. психол. наук. Т.: Респ.онкол.науч.центр, 2002.- 103 с., Фазылова С.А. Допплерография в комплексной клинко-эхографической диагностике рака молочной железы: дисс...канд.мед.наук.– Ташкент:Ташк.ин-т усоверш.врачей., 2005.-136с.

⁵ Шоумаров Ғ.Б. Социально-психологические проблемы молодой семи выпускников специальной школы для детей с задержкой психического развития: авроф. ... докт. псих.наук.. -Т., ТашГУ, 1990.-22 с., Ғозиев Э. Психология методологияси. - Тошкент: Noshir, 2013.- 244 б., Қодиров Б.Р., Қодиров К.Б. Касбий ташхис методикалар тўплами // Амалиётчи психологлар учун қўлланма. –Т.: ЎЗМУ, 2003.-Б. 94., Каримова В.М. Саломатлик психологияси.- Т.: Янги аср авлоди, 2005. 76 б., Нишанова З., Камилова Н, Алимова Г. Психогигиена. Ўқув қўлланма. –Т.: Фан ва технологиялар Марказий босмаҳонаси, 2010. -247 б., Ибодуллаев З. Р. Тиббиёт психологияси. - Т.: Абу-Али Ибн-Сино, 2009. -244 б., Баратов Ш.Р. Ўзбекистонда психологик хизмат ташкил этишнинг ижтимоий-психологик ва илмий-амалий асослари: псих.фан.док. ...дис. Т., -1997., Карамян М.Х. Психология здоровья. –Т.: Мумтоз сўз, 2010.-116 с.

психологик омилларнинг роли ҳақидаги турли таълимотлар, илмий методологик ёндашувларни таҳлил қилиш;

онкологик бемор аёллар эмоционал ҳолатларидаги ўзига хос хусусиятларни ўрганиш;

онкологик бемор аёлларда ўз касаллигига бўлган муносабатлари ва улардаги эмоционал ҳолат ўзгаришлари ўртасидаги алоқадорликни аниқлаш;

онкологик бемор аёлларнинг шахсий эмоционал соҳасига таъсир қилиш механизмларини аниқлаш ва уни амалга оширадиган коррекцион дастурни ишлаб чиқиш, ўтказиш ҳамда унинг самарадорлигини баҳолаш;

онкологик беморларга психологик ёрдам кўрсатишда зарур бўладиган тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объектини сут бези саратонига чалинган бемор аёллар ташкил қилади. Тадқиқотда Республика ихтисослаштирилган Онкология ва Радиология илмий-амалий тиббиёт маркази, мазкур марказнинг Хоразм вилояти ва Тошкент шаҳар филиалларида рўйхатда турган ва даволанаётган жами 92 бемор аёл ва айна пайтда онкологик касаллик аниқланмаган 40 нафар соғлом аёллар жами 132 та респондент иштирок этишган.

Тадқиқотнинг предметини онкологик бемор аёлларнинг эмоционал соҳасига таъсир этиш технологиялари ва методикаси ташкил қилади.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот жараёнида кузатиш, интервью, “Ҳаётий ўзгаришлар шкаласи” сўровномаси (Т. Холмс-Р. Райх), “Кайфияти йўқлик-субдепрессия ҳолатини аниқлаш сўровномаси” (В.Зунг-Т.Балашова), “Хавотирланиш даражасини аниқлаш сўровномаси” (Д.Спилбергер-Л.Ханин), Бехтерев Институтининг Шахс Сўровномаси (БИШС), “Касалликнинг ижтимоий таъсирини баҳолаш сўровномаси” (И.Сердюк), ҳужжатларни таҳлил қилиш методи, психокоррекцион методлар ва математик-статистик методлардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгиллиги қуйидагилардан иборат:

онкологик касалликлар ривожланиши, кечиши ва даволанишга таъсир этувчи бемор руҳий ҳолати, темперамент хусусиятлари, касалликка муносабат типлари, умумий кайфияти, индивидуал типологик хусусиятлари каби психологик омиллар аниқлаштирилган;

онкологик бемор аёлларнинг эмоционал соҳасига таъсир кўрсатиш илк бор психологик тадқиқотларнинг предмети сифатида миллий муҳитда ўрганилган, шунингдек сут бези саратони ташхиси қўйилган бемор аёллар учун мослаштирилган коррекцион тренинг машғулотлари орқали самарали таъсир қилиши илмий аниқланган;

онкологик бемор аёлларнинг эмоционал ҳолати ва касалликка муносабат типини боғлиқлигини ўрганувчи (Кайфияти йўқлик-субдепрессияни аниқлаш, Хавотирланиш даражасини аниқлаш, Бехтерев институтининг шахс сўровномалари) методикаларни амалиётда қўллашга оид таклиф ишлаб чиқилган;

онкологик бемор аёлларнинг шахсий эмоционал соҳасига психологик таъсир кўрсатиш механизмлари аниқланган ва уни амалга оширадиган

психокоррекцион дастур ишлаб чиқилган, амалиётда синовдан ўтказилган ва фойдаланилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

онкологик беморларга психологик хизмат кўрсатишнинг дастурий-услубий таъминоти такомиллаштирилган;

онкологик беморлар билан ишлайдиган мутахассислар психологик тайёргарлигини оширишга хизмат қилувчи илмий-амалий ишланмалар яратилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотда тўпланган маълумотларнинг ишончлилиги, аввало тадқиқот объектларининг мақсадга мос танланганлиги, илмий текшириш ва тренингларда қатнашган респондентларнинг етарлича репрезентативлиги, танланган методикаларнинг валидлиги ва ишончлилиги, олинган эмпирик миқдорларнинг математик-статистиканинг ишончли усуллари ёрдамида таҳлил қилинганлиги, бунда замонавий электрон дастурий воситалар қўллангани, изланишлар аниқ ва режа босқичларда бир-бирини тўлдирувчи усуллар ёрдамида амалга оширилганлиги билан белгиланади. Шунингдек, тадқиқот давомида шакллантирилган ишлаб чиқилган хулоса, таклиф ва тавсияларнинг бир вақтда турли йўналишларда амалиётга жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти онкологик бемор аёлларда касаллик кечиши, уларни даволаш самарадорлиги эмоционал соҳаси билан алоқадорлиги, беморнинг касаллик даражаси хусусиятларини инобатга олган ҳолда касалликнинг ижтимоий аҳамиятини ва касалликка муносабат тизимининг аниқлаштирилиши, беморлар эмоционал соҳасига таъсир қилишнинг психологик механизмлари мазмун моҳияти очиқ берилганлиги билан тавсифланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти, қўлга киритилган натижалар олий таълим муассасаларида “Тиббиёт психологияси ва психотерапия”, “Махсус психология”, “Психодиагностика”, “Умумий психология”, “Онкология” “Психокоррекция”, “Психологик хизмат”, “Психогигиена”, “Социал психологик тренинг”, “Ижтимоий реабилитация” соҳаларининг мазмунини бойитишга хизмат қилади. Тадқиқот доирасида ишлаб чиқилган психокоррекцион дастурдан тиббий психологлар ўз амалиётида фойдаланишлари, онколог шифокорлар беморларни даволашда, малакали тиббиёт ходимлари тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Онкологик беморларнинг шахсий эмоционал соҳасига таъсир кўрсатишнинг психологик механизмлари бўйича олинган илмий натижалар қуйидаги фаолиятларда татбиқ қилинган:

онкологик касалликнинг ривожланиши, кечиши ва даволанишга таъсир этувчи психологик омиллар ҳақида аниқланган маълумотлар бўлғуси психологлар ва тиббиёт ходимларига назарий ва амалий машғулотларда етказилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 26 февралдаги 89-03-874-сонли маълумотномаси). Бу бўлғуси мутахассисларнинг онкологик беморлар билан ишлашга психологик тайёргарлигини ошириш, уларнинг касбий кўникмаларини ривожлантиришга хизмат қилган;

онкологик бемор аёллар эмоционал соҳасига таъсир кўрсатиш имкониятлари йўналишида тўпланган билимлар оммавий ахборот воситаларидаги чиқишларда кенг халқ оммасига етказилган (2017 йил 28 октябр Хоразм радиоканали, 2017 йил 31 октябр Хоразм телеканали). Натижада онкология ташхиси қўйилган беморлар, уларнинг оила аъзолари, яқинлари тиббий-психологик саводхонлик даражаси оширилиб, касалликка нисбатан стереотип қарашларни бартараф этиш самарадорлиги оширилган;

онкологик беморларнинг шахсий эмоционал соҳасига психологик таъсир кўрсатиш механизмларини мужассамлаштирган коррекцион дастур ишлаб чиқилган, татбиқ қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 22 январдаги 8 н-д /12-сон хулосаси). Натижада онкология соҳасида хизмат қилаётган тиббиёт ходимлари олдида турган бемор психологик ҳолатини ташхис қилиш, уларнинг эмоционал соҳасига психокоррекцион таъсир кўрсатиш ва психопрофилактика усули такомиллаштирилган, ўзига хос даво самараси оширилган, анънавий усулдан кескин фарқ қилиб, муаммонинг амалий ечими масалаларини ҳал қилишда фойдаланилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманида муҳокамадан ўтказилган.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш чоп этилган, 1 та услубий қўлланма (“Онкологик беморларга психологик ёрдам кўрсатиш”), Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан, 7 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Тадқиқот ишининг ҳажми иловалардан ташқари 157 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ёритилган, тадқиқот мақсади ва вазифалари, объекти шакллантирилган, илмий янгилиги баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши ёритилган,

эълон қилинган ишлар, диссертациянинг тузилиши борасида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Онкологик беморларни психологик ўрганиш тажрибалари”** деб номланган биринчи бобида онкологик касалликларнинг келиб чиқиши, ривожланиши ва даволанишда психик омилларнинг ролини ўрганадиган соҳа- психоонкология муаммоларига бағишланган тадқиқотлар назарий таҳлили 2 та: 1) анъанавий (қадимги даврлардан - XX –асрнинг 70-80 йилларигача бўлган) ёндашув, 2) замонавий (XX- асрнинг 80 йилларидан ҳозиргача) ёндашувга ажратилиб, таҳлили амалга оширилган.

Анъанавий ёндашувда онкологик касалликнинг келиб чиқиши, ривожланиши ва даволанишда психик омилларнинг аҳамиятли роли изоҳланган ва бу эрамининг II асридан XX –асрнинг 70-80 йилларигача бўлган даврларда амалга оширилган тадқиқотларда очиб берилган (К.Гален, шарқ алломаларидан Ибн Сино, Абу Райхон Беруний, Дж.Гендрон, Дж.Барроуз, Г.Сноу, Э.Эванс, Л.Выготский, Ф.Данбар, Ф.Александр, Л.Лешен, К.Плеттер, Б.Зейгарник, К.Ахтэ, М.Ваухконен, Р.Виитмаки, Л.Сонкин, Р.Лурия, С.Вahnson ва бошқалар).

Замонавий ёндашувда онкологик касалликларда бемор психологияси илмий экспериментал тарзда тадқиқ қилиниши ва психоонкология соҳасининг алоҳида йўналиш сифатида ривожланишига хизмат қилган тадқиқотлар таҳлили келтирилди (Greer, Т.Moris, А.Aaronson, Т.Pearman, В.Stoll, Т.Морилова, Н.Кошуг, А.Щутценбергер, J.Holland, Я.Гоулер, Н.Курек, В.Чулкова, К. ва С.Саймонтонлар, Г.Адашинская, О.Ворона, Д.Чугунов, А.Ревиди, И.Маргошина, А.Кузнецова, Е.Исаева, А.Копытин, Н.Финагентова, Ш.Еганян, А.Бабик, Е.Потемкина). Назарий таҳлиллар онкологик касалликларнинг ривожланиши, кечиши ва даволанишда руҳий омилларнинг алоқаси, психоонкология соҳасидаги ижтимоий-психологик муаммоларнинг экспериментал тарзда ўрганилганлигини кўрсатади.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасидаги олимлардан С.Фазилова, З.Бекназаров, С.Абдиганиева, Х.Исламова, Н.Нигманова, Д.Набиева ва бошқалар аёллар репродуктив соҳаси ўсма касалликлари бўйича илмий изланишлар олиб борганлар, лекин мазкур касалликларда психик омилларнинг роли кўрсатилмаганлигини эътироф этишимиз мумкин.

Психология соҳасида турли касалликларда руҳий омилларнинг ролини ўрганган олимлардан тиббиёт соҳасида З. Ибодуллаев “Тиббий психология” дарслигида (2009) онкологик касаллик ташхиси қўйилган беморларнинг психологик хусусиятлари ва уларни даволашда тиббий-психологик таъсир жиҳатларини, психолог олимлардан В.Каримова саломатлик психологияси, Б.Қодиров психофизиология масалалари, Ғ.Шоумаров психик ривожланиши сустлашган инсонларнинг ижтимоий-психологик муаммолари, Э.Ғозиев психологиянинг методологик масалалари, З.Нишонова психогигиена муаммолари, О.Авлаев таянч ҳаракат тизими бузилган илк ўспиринларнинг психологик хусусиятлари, М.Карамян ошқозон ва 12 бармоқли ичак яраси касалликларида беморларнинг ижтимоий-психологик муаммоларини,

Д.Илхамова юрак-ишемик касалликларда касалликка муносабатнинг ёш ва жинсий хусусиятлари масалаларини тадқиқ қилганлар.

Бизнинг фикримизча, онкологик беморларни психологик тадқиқига қаратилган барча илмий манбаларда онкологик касаллик ва психика ўртасидаги боғлиқликлар келтирилган. Айниқса, сут беши саратони ташхиси қўйилган беморларда касалликка муносабат, соғайиш ёки оғирлашиш ҳолатлари турлича намоён бўлиши кузатилади. Бу ўринда касалликнинг вужудга келиши, кечиши ва даволанишда эмоционал соҳанинг ўрнини ҳисобга олиб, тадқиқотнинг экспериментал босқичида фойдаланадиган коррекцион Дастурнинг назарий асосини замонавий психология йўналишларидан психоанализ, гештальттерапия, психодрама, логотерапия, гуманистик психология, когнитив психология, экзистенциал психология, нейролингвистик дастурлаш каби ёндашувлар ташкил қилиши, айнан беморларнинг шахсий эмоционал соҳасига таъсир кўрсатиш механизми сифатида хизмат қилади.

“Онкологик бемор аёллар эмоционал соҳасини эмпирик ўрганиш натижалари” деб номланган диссертациянинг иккинчи бобида тиббий психологик тадқиқотлар методологик асослари, онкологик беморлар психодиагностикаси метод ва методикалар тавсифи, сут беши саратонига чалинган аёлларда ҳиссий ҳолатларнинг намоён бўлиши масалалари баён этилган.

Сут беши саратонига чалинган бемор аёлларнинг эмоционал соҳасини ташхис қилишда бевосита тиббий ходимларга (даволовчи шифокор) ва бемор касаллик тарихига мурожаат қилинди. Касаллик тарихини ўрганишда, улар ҳақида дастлабки тиббий ва ижтимоий маълумотлар базаси яратилди ва касаллик босқичига кўра таснифланиб, жадвал кўринишига олиб келинди. Сут беши саратони ташхиси қўйилган беморлар билан ишлашда эҳтиёткорлик ва ўзига хос тиббий деонтологик қоидаларга риоя қилиш талабини инобатга олган ҳолда дастлабки клиник диагностик интервьюдан фойдаланилди. Мазкур метод синалувчиларнинг касаллик аниқланган пайтдаги ҳолати, касаллик сабабли вужудга келган психологик ўзгаришлар, ўзини эмоционал баҳолаш ҳақида маълумот беришга мўлжалланган бўлиб, ишончли “психолог-мижоз” муносабатлари курилишига хизмат қилади. Синалувчилар билан олиб борилган диагностик интервьюдан олинган натижалар касалликнинг аниқланган ташхиси TNM-босқичларига кўра ажратилиб таҳлил қилинди. Қуйида диагностик интервьюдан олинган натижалар келтирилди.

Синалувчиларнинг касаллигидан хабар топган вақтдаги ҳолати ҳақидаги саволга синалувчиларнинг 3/1 қисми, яъни 33,69% ташхис қўйилганда кўрқув, даҳшатга тушганман, деган бўлса, 27,17% хавотирлик вужудга келганлигини таъкидлаган, тушкунлик ва юқори даражада таъсирланганлик (синалувчиларнинг ибораси билан айтганда “шок”) 13,04% синалувчида, ташхисга ишончсизлик 7,61% да, иккиланиш 4,35% да, кўрқмаслик 1,1% синалувчида аниқланди. Бундан кўриниб турибдики, сут беши саратони ташхисининг дастлабки босқичида аёлларда кучли даражада кўрқув,

хавотирлик юз берар экан.

Ундан ташқари, интервьюда беморлар касаллик сабабли ўзларини заиф ҳис қилишлари (57,61%), ўз жисмоний функциялари ва қобилиятларидан хавотирланиш (79,35%) касалликнинг босқичига кўра ўсиб бориши, касаллик кечиши ва даволаниш имкониятларидан хабардорлиги (ҳа-33,7%, йўқ-5,43%, тўлиқ хабардорлик- 13,04%, қисман- 47,83%), ўз эҳтиёжларини яқинларига тўлиқ намоён эта олишлари (ҳа-30%, йўқ-60,87%, баъзан-8,7%), қабул қилаётган муолажалар (химия терапия, нур терапияси)нинг организмга ножўя таъсирлари (соч тўкилиши, кўнгил айнаши ва б.) ҳақида маълумотга эгаллиги (90,22%), аксарияти ўз яқинлари билан касаллик ҳақида суҳбатлаша олишлари (72,83%), ўзларини ёлғиз ҳис қилишлари (ҳа-19,57%, йўқ-50%, баъзан-30,43%), ҳиссиётларини очик намоён қилишлари (ҳа-60,87%, йўқ-26,09%, баъзан-13,04%), келажакнинг ноаниқ ва умидсизлиги (ҳа-13,04%, йўқ-79,36%, баъзан-7,61%), бўйича маълумотлар олинди.

Бундан кўришиб турибдики, касаллик беморнинг ижтимоий ҳаётида ҳам сезиларли ўзгаришларни келтириб чиқаради.

Суҳбат жараёнида сут беги саратони ташхиси қўйилган беморларнинг ҳаёт мазмунини аниқлашга қаратилган “Сиз учун ҳаёт мазмуни нимада?” деган саволга беморларда айна пайтда ҳаёт мазмунини англаувчи нарсалар сифатида хилма-хил жавоблар олинди. Саломатлик ҳаётнинг мазмуни эканлигини синалувчиларнинг ярмидан кўпроғи 58,69% и тасдиқлади, ҳаётининг мазмуни фарзандлар ва набираларнинг камоли эканлигини 17,39% синалувчи, тузалиб кетишни-9,78%, яшашни-8,7% синалувчи, оила мезонини 4,35% синалувчи, ҳаёт, деб 1,1% синалувчи кўрсатди. Бундан кўришиб турибдики, касаллик инсон ҳаётида саломатлик энг катта бойлик ва ҳаётнинг мазмуни эканлигини англашга туртки бўлади.

Синалувчилар билан бўлган клиник-диагностик суҳбатда уларнинг касаллик сабабли ҳаётидаги мазмун ва моҳият тубдан ўзгарганлиги, атрофдагиларга, ҳаётга нисбатан муносабатларида янги ёндашувлар вужудга келганлигини, кўпчилиги касаллик ҳаётида қилган гуноҳларининг жавоби эканлиги, баъзилари уларга бошқаларнинг “кўзи теккан”лигини, баъзилари эса бу дард уларга синов тариқасида берилганлигини билдирдилар.

Онкологик беморларнинг эмоционал ҳолатларини ўрганишга қаратилган навбатдаги методикалар Холмс-Райхнинг “Ҳаётини ўзгаришлар” шкаласи, Зунг-Балашованинг “Кайфияти йўқлик-субдепрессия” тести ва Спилбергер-Ханиннинг “Хавотирланиш даражасини аниқлаш” методикасидан олинган натижаларнинг ўртача арифметик қиймати жадвалда келтирилди (1-жадвалга қаранг). Жадвалда кўрсатилганидек, касаллик даражаси ошиб бориши билан беморлар ҳаётида рўй берган ҳодисалардан таъсирланиши, стресс билан курашувчанликнинг пасайганини кўришимиз мумкин. Методика натижасини таҳлил қилишимиз натижасида аксарият беморлар ҳаётида оғир руҳий жароҳатли ҳодисаларни бошдан кечиришганини жумладан, турмуш ўртоғининг вафоти, фарзандининг вафоти, никоҳдан ажралиш, ота-она вафоти, жиддий касаллик ёки жароҳат,

оила аъзоларининг соғлиги ёмонлашиши, жиддий жинсий муаммолар, бирга яшайдиган яқин қариндошларнинг ўзаро келишмовчиликлари, иқтисодий аҳволнинг ўзгариши, ўз одатларидан қониқмаслиги, яқин ўртоғининг вафоти, эр-хотин келишмовчилигининг мавжудлиги ва шу каби жараёнларда умумий ўхшашликларни кузатдик.

1-жадвал

Олинган методикалар натижаларининг ўртача арифметик қиймати

№	Методикалар	T1NM (n=18)	T2NM (n=40)	T3NM (n=21)	T4NM (n=13)	
1	“Ҳаётий ўзгаришлар” шкаласи натижалари	463,2	592,6	538,6	770,8	
2	“Кайфияти йўқлик-субдепрессия” тести натижалари	66,5	72,51	72,27	74,15	
3	“Хавотирланиш даражасини аниқлаш” методикаси натижалари	Реактив (вазиятли)	45,95	46,8	50,69	52,83
		Шахсий	47,94	49,1	45,38	45,67

Олинган натижаларга кўра касалликнинг биринчи босқичида ўртача арифметик қиймат 463,2 ни, 2-босқичида 592,6 ни, 3-босқичида 538,6 ни, 4-босқичида юқори кўрсаткич 770,8 ни кўрсатди.

Кўпчилик беморлар тестни бажараётган пайтида бошидан ўтказган ҳодисаларни йиғлаб эсладилар, баъзи ҳодисалар содир бўлганига кўп йиллар ўтса-да, ҳалигача ҳам оғриқли, жароҳатли эканлигини билдирдилар. Бу ҳолат эса коррекцион дастурда беморларнинг ўтмишидаги жароҳатли ҳодисалар билан ишлаш, бу ҳодисаларга нисбатан уларда нейтрал ҳисларни ривожлантириш заруратини англатади.

“Кайфияти йўқлик-субдепрессия”ни аниқлаш методикасидан олинган натижаларда ҳам касаллик босқичи ортган сари кайфияти тушкунликни, субдепрессияни ошиб боришини кузатдик. Яъни, касалликнинг 1-босқичида ўртача арифметик қиймат 66,5 баллни, 2-босқичида 72,51 баллни, 3-босқичида 72,27 баллни, 4-босқичида 74,15 баллни кўрсатди. Бунга кўра, касаллик сабабли бемор руҳиятида кайфияти тушкунлик, субдепрессияга мойиллик ортган.

Мазкур ҳолат, бошқа касалликларда ҳам учрайди, аммо саратон касаллигининг бедаволиги бўйича шакланган стереотип бу касаллик ташхиси қўйилган барча беморларда учрайди.

Спилбергер-Ханиннинг “Реактив ва шахсий хавотирлик даражасини аниқлаш” методикасида ҳам олинган натижаларда ўсиб боровчи тенденцияни кузатдик. Бунга кўра касалликнинг 1-ва 2-босқичидаги беморларда касаллик билан боғлиқ вазиятли хавотирлик шахсий хавотирлик билан боғлиқ. Яъни, бу босқичлардаги беморларга ҳаётда ҳам хавотирланувчанлик хос, касаллик аниқланиши улардаги хавотирланувчанликни оширган. 3- ва 4- босқич аниқланган беморларда табиийки, касаллик вазияти билан боғлиқ хавотирланувчанлик юқори. Яъни, 3-босқичда ўртача арифметик қиймат 50,69 баллни, 4-босқич беморларда юқори кўрсаткич 52,83 баллни кўрсатди.

Беморнинг шахслилик хавотирланувчанлиги эса, касаллик билан боғлиқ хавотирланувчанлик даражасидан паст эканлиги аниқланди (3-босқичда-45,38 балл, 4-босқичда 45,67 балл).

Тадқиқотнинг ташхис босқичида соғлом ва бемор аёлларнинг психологик ҳолатлари фарқланишини аниқлаш мақсадида айни пайтда соғлом аёллар ва сут бези саратони ташхиси қўйилган бемор аёлларда Т.Холмс-Р.Райхнинг “Ҳаётий ўзгаришлар шкаласи” ва В.Зунг-Т.Балашованинг “Кайфияти йўқлик-субдепрессия ҳолатини аниқлаш” сўровномаси ўтказилди ва натижалар орасида аҳамиятли статистик фарқ аниқланди. Олинган натижалар соғлом аёллар ва онкологик беморларнинг ташхис қўйилган касаллик босқичлари мезонига кўра аниқлаштирилди.

2-жадвал

Соғлом ва бемор синалувчилар натижаларидаги статистик фарқ


Методикалар	Соғлом ва 1-босқич кузагув гуруҳи	Соғлом ва 2-босқич кузагув гуруҳи	Соғлом ва 3-босқич кузагув гуруҳи	Соғлом ва 4-босқич кузагув гуруҳи	Соғлом ва бемор синалувчилар
“Ҳаётий ўзгаришлар” тести	2,84**	6,22**	4,59**	10,17**	6,29**
“Кайфияти йўқлик-субдепрессия” тести	6,43**	1,05	7,34**	10,04**	8,78**

Изоҳ: ** $p \leq 0,01$. Изоҳ:

Соғлом ва касалликнинг 1-босқичидаги бемор синалувчилар жавоблари ўзаро қиёсланганда, «Ҳаётий ўзгаришлар шкаласи» ($t=2,84$; $p \leq 0,01$) ҳамда “Кайфияти йўқлик-субдепрессия” тести натижалари статистик жиҳатдан аҳамиятли фарқни намоён этди ($t=6,43$; $p \leq 0,01$). Соғлом ва касалликнинг 2 босқичидаги бемор синалувчилар жавоблари ўзаро қиёсланганда, «Ҳаётий ўзгаришлар шкаласи» статистик жиҳатдан аҳамиятли фарқни намоён этди ($t=6,22$; $p \leq 0,01$) ҳамда “Кайфияти йўқлик-субдепрессия” тести натижалари статистик жиҳатдан ўзаро алоқадор эмасликни намоён этди. Соғлом ва касалликнинг 3-босқичидаги бемор синалувчилар жавоблари ўзаро қиёсланганда, «Ҳаётий ўзгаришлар шкаласи» ($t=4,59$; $p \leq 0,01$) ҳамда “Кайфияти йўқлик-субдепрессия” тести натижалари статистик жиҳатдан аҳамиятли фарқни намоён этди ($t=7,34$; $p \leq 0,01$). Соғлом ва касалликнинг 4 босқичидаги бемор синалувчилар жавоблари ўзаро қиёсланганда, «Ҳаётий ўзгаришлар шкаласи» ($t=10,17$; $p \leq 0,01$) ҳамда “Кайфияти йўқлик-субдепрессия” тести натижалари статистик жиҳатдан аҳамиятли фарқни намоён этди ($t=10,04$; $p \leq 0,01$). Соғлом ва умумий бемор синалувчилар жавоблари ўзаро қиёсланганда, «Ҳаётий ўзгаришлар шкаласи» ($t=6,29$; $p \leq 0,01$) ҳамда “Кайфияти йўқлик-субдепрессия” тести натижалари статистик жиҳатдан аҳамиятли фарқни намоён этди ($t=8,78$; $p \leq 0,01$). Соғлом аёлларда ҳаётий мураккаб вазиятларда стрессни бошдан кечириш ва кайфияти тушкунлик, субдепрессия даражалари бемор аёлларга нисбатан анча пастлигини кўрсатди. Буни шундай изоҳлаш мумкинки, онкологик касалликнинг ривожланиши билан ҳаётий қийин вазиятлар ва улардан ечим

топиб чиқиб кета олмаслик орасида боғлиқлик мавжуд. Шахснинг стрессли вазиятлар, ҳаётий қийин, мураккаб ҳодисаларга нисбатан жавоб топа олмаслиги, кайфиятнинг тушкунликка мойиллиги, мавжуд кучли эмоцияларни намоён қилиш кўникмасининг етишмаслиги кабилар организмда гомеостаз тизимини издан чиқариши, иммун фаолиятининг пасайишини, натижада атипик ҳужайралар ривожланиши эҳтимolini кучайтириш мумкинлигини кўриш мумкин.

Тадқиқотда ўтказилган Сердюк сўровномаси беморларнинг ўз-ўзини баҳолаши “Касаллик ички манзараси”нинг қисми ва психотерапевтик таъсирнинг аҳамиятли нуқтаси бўлиб ҳисобланади. Ҳар бир мезон бўйича касаллик босқичи шарҳланди.




1-расм. Касалликнинг турли босқичларидаги беморларда ижтимоий соҳага шахсий муносабатнинг намоён бўлиши.

Сердюк сўровномаси ёрдамида беморларнинг нафақат шахсий-эмоционал соҳасида, балки ижтимоий мослашув соҳасида ҳам кузатиладиган ўзгаришларни, жумладан, куч ва қувват ҳиссининг, роҳатланиш, бўш вақтнинг, касбий ўсишнинг чегараланганлиги, жисмоний жозибаликнинг пасайиши, заифлашганлик ҳиссининг кечирилиши, мулоқотнинг чегараланиши, касаллик сабабли моддий зарар каби шкалаларнинг барчасида касаллик шахснинг барча ижтимоий соҳасига сезиларли салбий таъсир кўрсатганлиги аниқланди.

Онкологик бемор аёлларнинг эмоционал ҳолатларини ташхис қилишда бир хил ташхис қўйилган беморларда эмоционал ҳолат ўхшашликларидан ташқари фарқларни ҳам кузатдик. Бу эса беморнинг эмоционал ҳолати намоён бўлиши бевосита унинг касалликка муносабат типини билан боғлиқлигини билдиради. Чунки касаллик тури ва босқичи бир хил бўлгани билан бемор шахси индивидуалдир. Беморлардаги бу фарқлар касалликка муносабат типини ўрганишга қаратилган “Бехтерев институтининг шахс сўровномаси” орқали аниқланди ва қуйида сўровнома натижалари диаграмма кўринишида келтирилди (2-расм).

Сут беши саратони ташхиси қўйилган беморларнинг касалликка муносабат типини аниқлаш жараёнида муносабат типларининг аралаш ҳолда учраши кузатилди. Мазкур касалликда энг кўп хавотирланувчанлик (53), неврастения (51), сензитив (43), обсессив-фобияли типлар кузатилиши, ундан ташқари паранойял (37), эгоцентрик (29), ипохондрик (23) кабилар юқори даражада намоён бўлди. Бундан келиб чиқадики, сут беши саратонига чалинган аёлларда юқори даражада хавотирланувчанлик, касаллик кечиши ва

даволанишга ҳадик билан қараш, даволанишнинг янги усулларни қидириш, асабийлашиш, ғазабланиш, атрофдагилардан ғамхўрлик кутиш, таъсирланувчанлик, таниш-билишларидан касаллигини яширишга ҳаракат қилиш, бошқалар уни “нотўлиқ ҳисоблашларидан” қочиш, даволанишнинг муваффақиятсизлиги, хурофотларга эътиборли, касалланганлигини бошқалардан кўриш, яқинларининг диққат-эътиборини жалб қилишга ҳаракатлар, ўз кечинмаларини бўрттиришга мойиллик кабилар намоён бўлиши аниқланди.



2-расм. Бехтерев институтининг шахс сўровномаси методикасидан олинган натижалар.

Тадқиқотнинг ташхис босқичида сут бези саратони ташхиси қўйилган бемор аёлларнинг эмоционал ҳолатларидаги ўзига хос хусусиятлар аниқланди. Олинган методикалар натижасида ҳаёт давомида юз берадиган жароҳатли ҳодисаларнинг касаллик ривожланишида роли, бемор аёлларнинг шахсий соҳасига хос бўлган яқин кишиларидан ажралиш, никоҳдан ажралиш, жинсий муаммо, иқтисодий аҳволнинг кескин ўзгариши, қарздорлик, ўз одатларини қайта кўриб чиқиш кабиларда умумий ўхшашликлар, касаллик босқичининг тўртта гуруҳида ҳам реактив (вазият билан боғлиқ), ҳам шахсий хавотирлик, кайфияти йўқлик-субдепрессия ҳолатининг юқори даражада намоён бўлиши кузатилди. Беморларнинг тўртта гуруҳида ҳам субдепрессия ва депрессия даражасининг касаллик сабабли ошганлигини, бу эса бевосита беморларнинг касалликка муносабат типларида хавотирланувчанлик, неврастеня, сензитив, обсессив-фобияли, паранойял ва ипохондрик баъзан эса апатик типларни намоён қилди. Диагностик босқичда олинган натижалардан хулосаларимиз онкологик бемор аёллар учун тузилган психокоррекцион дастурнинг методологик асосини ташкил қилди. Коррекцион таъсир кўрсатишнинг асосий механизми сифатида ҳам эмоционал, ҳам шахсий, ҳам ижтимоий соҳага комплекс таъсир кўрсатилсагина, психотерапевтик таъсир самарали бўлиши тахмин қилинди.

Диссертациянинг учинчи боби “**Онкологик бемор аёллар эмоционал соҳасига психологик таъсир кўрсатиш имкониятлари**” деб номланиб, унда экспериментал гуруҳдаги аёллар эмоционал соҳасининг хусусиятлари, сут бези саратонига чалинган беморлар билан психокоррекцион иш олиб боришнинг дастурий асослари, беморларга психокоррекцион ёрдам бериш самарадорлиги амалий ишлар ёрдамида аниқланди. Тадқиқотда биз

томонимиздан тузилган онкологик бемор аёлларнинг шахсий эмоционал соҳасига таъсир қилишга қаратилган махсус коррекцион Дастурдан фойдаланилди. Мазкур Дастур 8 сессиядан иборат бўлиб, дастурда кўзда тутилган мақсад айнан бемор аёлларнинг шахсий эмоционал соҳасига психологик таъсир кўрсатиш эканлигини ҳисобга олган ҳолда, машғулотлар давомида синалувчиларнинг ўз ҳиссий кечинмаларини тўла очик, эркин, объектив, экспрессив тарзда намоён қилишларига диққат қаратилди. Сессияларнинг кетма-кетлилик, тизимлилик, интегративлик ва яхлитлик тамойиллари асосида олиб борилиши мазкур механизмнинг ишга тушиши ва самара беришида аҳамиятли рол ўйнади.



3-расм. “Соғайиш сари йўл” номли коррекцион дастурнинг таъсир йўналишлари.

Тадқиқот натижалари таҳлилидан маълум бўлдики, онкологик бемор аёлларнинг эмоционал соҳасига коррекцион таъсир кўрсатиш қуйидаги босқичлардан иборат механизм асосида амалга ошади:

- 1) бемор ўзининг руҳий ҳолатига психолог мутахассис томонидан қизиқишни сезди (шахсий соҳа);
- 2) беморда ўз кечинмаларини кенгроқ тушуниш ва юзага чиқариш эҳтиёжи пайдо бўлди (шахсий соҳа);
- 3) психолог билан мулоқот унинг ижтимоий муносабатлар соҳасидаги муаммоларни юзага чиқарди ва уларни англаш имкониятини берди (ижтимоий соҳа);
- 4) бемор психолог билан ўз касалиллиги билан боғлиқ кечинмаларини, ҳаётидаги оғриқли, жароҳатли стресслар ҳақида очик гапириши натижасида, уни қийнайдиған жароҳатли ҳодисалар ўз аҳамиятини йўқота борди, релаксация машқлари натижасида руҳий енгиллашишни ҳис қилди (эмоционал соҳа);
- 5) синалувчининг муаммолари бутун гуруҳ томонидан таҳлил қилиниши ва эмоционал қўллаб-қувватланиши унда ҳам ижтимоий, ҳам эмоционал барқарорлик ҳолатини ривожлантирди, кайфияти кўтарилди (эмоционал ва ижтимоий соҳа);
- 6) дастурда келтирилган бемор учун кундалик бажариладиган жисмоний (нафас олиш, мушакларни бўшаштириш, кундалик бадан тарбия) машқлари ва келажакни режалаштиришга қаратилган (коллаж, “Мақсадларни қўйиш”, организм визуализацияси ва б.) машқлар унинг иродавий соҳасида ижобий

ўзгаришларни вужудга келтирди (иродавий соҳа);

7) беморнинг эмоционал, шахсий, ижтимоий ва иродавий соҳасидаги ижобий ўзгаришлар касалликка, ўз-ўзига, атрофдагиларга, ҳаётга нисбатан муносабат тизимини оптималлаштирди, касаллик билан курашувчанлик ҳиссини ривожлантирди, ижтимоий кўникмаларни ўстирди, натижада тушкун кайфият ва хавотирлик камайди.

Коррекцион Дастур машғулоти яқунида синалувчиларнинг ўтказилган машқлар натижасида ўзларида кузатилган психологик ўзгаришлар, тренинг машғулоти берилган баҳолари қайд қилиб борилди, бу эса синалувчиларнинг Дастурга берган субъектив баҳолари ва уларни тренингларга жалб қила олиш даражасини аниқлашга ёрдам берди.

Машғулоти яқунида экспериментал гуруҳда назорат тажрибалари В.Зунг-Т.Балашованинг “Кайфияти йўқлик-субдепрессия”, Спилбергер-Ханиннинг “Реактив ва шахсий хавотирланиш шкаласини аниқлаш” методикалари қайта ўтказилди ва қайд қилинди (3-жадвал). Бу эса коррекцион дастурнинг самарадорлик даражасини, яъни онкологик бемор аёлларнинг шахсий эмоционал соҳасига таъсир қилиш механизмларининг ишончлилиги кўрсаткичини аниқлаштириш имконини берди.

3 жадвал

Аниқловчи ва назорат тажрибаси натижалари ўртасидаги статистик тафовут (Стьюдентнинг t- мезони бўйича)

Кўрсаткичлар	Аниқловчи тажриба	Назорат тажрибаси	t-статистик фарқ кўрсаткичи
Субдепрессия даражаси	72,7	66,3	4,42*
Реактив хавотирланиш даражаси	50,5	42,5	7,22**
Шахсий хавотирланиш даражаси	49,06	41,2	10,11***

Изоҳ: * $p \leq 0,05$; ** $p \leq 0,01$; *** $p \leq 0,001$

Жадвалда кўриниб турганидек, субдепрессия даражаси ўрта арифметик қиймати аниқловчи тажрибаларда 72,7 га тенг бўлса, назорат тажрибаларида бу кўрсаткич 66,3 га камайганлиги аниқланди, муқаррарлик мезони ($t=4,42$; $p < 0,05$). Реактив хавотирланиш даражаси ўрта арифметик қиймати аниқловчи тажрибада 50,5 га тенг бўлса, назорат тажрибаларида бу кўрсаткич 42,5 га камайганлиги аниқланди, муқаррарлик мезони ($t=7,22$; $p < 0,01$). Шахсий хавотирланиш даражаси ўрта арифметик қиймати аниқловчи тажрибада 49,06 га тенг бўлса, назорат тажрибаларида бу кўрсаткич 41,2 га камайганлиги аниқланди, муқаррарлик мезони ($t=10,11$; $p < 0,001$). Аниқловчи ва назорат тажрибаси натижалари ўртасидаги аҳамиятли даражадаги тафовут аниқланди.

Ўтказилган тренинг машғулотида сўнг субдепрессия даражаси, реактив ҳамда шахсий хавотирланиш даражасида аҳамиятли даражадаги пасайиш кузатилган. Бу эса биз томонимиздан тузилган коррекцион дастурнинг самарадорлигидан далолат беради.

ХУЛОСА

1. Онкологик касалликлар ўрганилиши ўзига хос тарихга эга бўлиб, мазкур касалликнинг ривожланиши, кечиши ва даволанишида эмоционал-психологик омилларнинг аҳамияти қадимдан алоҳида ёритилган.

2. Онкологик бемор аёлларнинг эмоционал ҳолатларини ташхислашда комплекс методлардан фойдаланиш ўринли.

3. Сут беzi саратонига чалинган аёлларда қуйидаги эмоционал ҳолат ўзгаришлари кузатилади:

а) онкологга мурожаат қилиш давридан беморда кучли хавотирлик, иккиланиш ҳолатлари пайдо бўлади ва касалликка аниқ ташхис қўйилишида кучли эмоционал тўлқинланиш, вазиятли хавотир, кўрқув, кайфияти тушкунлик, безовталиқ кўринишида намоён бўлади;

б) сут беzi саратони ташхиси қўйилган беморлар эмоционал ҳолатларида умумий ўхшашликлар бўлса-да, баъзи фарқлар кўзга ташланади, бу фарқлар беморнинг касалликка муносабат типини билан аҳамиятли боғлиқ;

в) сут беzi саратони ташхиси қўйилган бемор аёлларда касалликка муносабатнинг хавотирланувчан, неврастения, сензитив, обсессив-фобияли, паранойял, эгоцентриқ типлари юқори ўринда туради, меланхолик тип кам ифодаланади;

г) сут беzi саратони касалликларида беморларда куч ва қувват ҳиссининг чекланганлиги, роҳатланишнинг, бўш вақтнинг, карьеранинг чегараланганлиги, жисмоний жозибаликнинг пасайиши, заифлашганлик ҳиссини юқори сезиши, моддий зарар кўриш каби ижтимоий-шахсий соҳаларида сезиларли салбий ўзгаришлар кузатилади.

4. Онкологик бемор аёлларнинг эмоционал соҳасига тасир кўрсатиш механизмлари қуйидаги схемадан иборат:

–бемор шахсига қизиқиш–уни ишонтириш–ўз-ўзини таҳлил қилиш ва англашга ундаш–ўзини адекват англаш–ички низоларни сиқиб чиқариш–енгиллашиш–руҳий заҳираларни ривожлантириш ва ишга солиш–иродавий кучни ривожлантириш–ҳаёт мазмуни мотивациясини уйғотиш–ўз-ўзини англаш ва бошқариш–эмоционал барқарорликка эришиш.

5. Онкологик беморларнинг эмоционал соҳасига таъсир кўрсатиш механизми мақсадли, тизимли ва қафолатли коррекцион дастур орқали вужудга келтирилади, ишга туширилади.

6. Коррекцион дастурнинг самарадорлиги дастурда танланган машқларнинг илмийлик, кетма-кетлилик, тизимлилик, интегративлик ва яхлитлик тамойиллари асосида олиб борилишига боғлиқ.

7. Коррекцион дастурни татбиқ қилиш натижасида беморларда хавотирлик, кўрқув, депрессия, жароҳатли стресс каби эмоционал ҳолатларни камайитиришга эришилади, бу эса онкологияда психологик хизматнинг самарадорлигини оширади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc27.06.2017.Psi.01.07 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ
УЗБЕКИСТАНА**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ
УНИВЕРСИТЕТ имени НИЗАМИ**

УРАЗБАЕВА ДИЛБАР АБДУЛЛАЕВНА

**ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ МЕХАНИЗМЫ ВЛИЯНИЯ НА ЛИЧНОСТНО-
ЭМОЦИОНАЛЬНУЮ СФЕРУ ЖЕНЩИН С ОНКОЛОГИЧЕСКИМИ
ЗАБОЛЕВАНИЯМИ**

**19.00.04 –медицинская и специальная психология
(психологические науки)**

**АВТОРЕФЕРАТ
диссертации доктора философии (PhD) по психологическим наукам**

Ташкент–2018

Тема диссертации доктора философии (PhD) по психологическим наукам зарегистрирована Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан под номером B2017.2.PhD/Psi6.

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном педагогическом университете.

Автореферат диссертации размещен на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) на веб странице ik-falsafa@nuu.uz и информационном портале «ZiyoNet» (www.ziyo.net).

Научный руководитель: **Нишанова Замира Таскараевна**
доктор психологических наук, профессор

Официальные оппоненты: **Мухамедова Дилбар Гафурджановна**
доктор психологических наук, доцент

Ходжаев Абдувахид Валиевич
доктор медицинских наук, профессор

Ведущая организация: **Ташкентская медицинская академия**

Защита диссертации состоится «__» _____ 2018 года в ____ часов на заседании разового Научного совета DSc27.06.2017.Psi.01.07 при Национальном университете Узбекистана. (Адрес: 100174, город Ташкент, улица Университетская, 4-дом. Тел.: (99871) 227-12-24; факс: (99871) 246-53-21, (99871) 246-02-24; e-mail: наука@nuu.uz Факультет Социальных наук, 5-этаж, 511-кабинет).

С диссертацией можно ознакомиться в информационно-ресурсном центре Национального университета Узбекистана, (зарегистрирована за № ____). (Адрес: 100174, город Ташкент, улица Университетская, 4-дом. Главный учебный корпус НУУз, отсек “В”, 2-этаж, 217-й кабинет. Тел.: (99871) 246-52-74; факс: (99871) 246-02-24.

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2018 года
(реестр протокола рассылки № ____ от _____ 2018 года).

Г.Б.Шоумаров,
Председатель Научного совета по
присуждению ученых степеней,
д.психол.н. профессор

А.И.Расулов,
Ученый секретарь Научного совета
по присуждению ученых степеней,
к.психол.н., доцент

Н.С.Сафаев,
Председатель Научного семинара при
научном совете по присуждению
ученых степеней, д. психол.н.,
профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора (PhD) философии)

